## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 77033

Наманган шаҳри . 11 май 2022 йил.

Кейинги ўринларда "**Буюртмачи**" деб юритиладиган **"Наманган шаҳар ахоли бандлигига кумаклашиш маркази"** номидан устав асосида иш кўрувчи директор **Косимов Малик Мумин ўғли** бир томондан ва кейинги ўринларда "**Пудратчи**" деб юритиладиган **"POSSIBLE TRUST TRADE" MCHJ** номидан устав асосида иш кўрувчи раҳбари **Неъматуллаев Азизбек Сохибжон ўғли** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини куйдагилар хакида туздилар.

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Пудратчи Буюрмачининг Биржанинг "Энг яхши таклифни танлаб олиш" тизимидаги Лот № 77033 бўйича эълони асосида танлаб олинган таклифига мувофиқ **Енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш,** объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати **799 900 000 (Етти юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз минг) сўмни** ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш (таъмирлашга)қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

2.3. Қурилиш (таъмирлашга) муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда сметага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

сметага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш (таъмирлаш) майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

### IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома сметага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига сметага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

### V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.2. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан ____ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

### VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (илова).

16. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 70 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин амалга оширилади.

17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш( таъмирлаш) майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## VII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

## XI. КАФОЛАТЛАР

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 1 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Даварxитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Даварxитектқурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

## XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| "ПУДРАТЧИ" | "БУЮРТМАЧИ" |
|---|---|
| **Номи: "POSSIBLE TRUST TRADE" MCHJ** | **Номи: "Наманган шаҳар ахоли бандлигига кумаклашиш маркази"** |
| Манзил: Наманган шаҳар, Давлатобод тумани, 4-кичик туман, Ғалаба кўчаси, 37-уй | Манзил: Наманган шаҳар, Ю. Ражабий кўчаси, 1-уй |
| СТИР: 308643483 | СТИР: 200057152 |
| Ҳр: 20208000505411301001 | ШХР: 20022186014401710920б237003 |
| Банк: МФО: 00401 AT ALOQABANK AMALIYOT BOSHQARMASI | |
| Раҳбар: А. Неъматуллаев | Раҳбар: М. Косимов |
| МЎ | МЎ |

Мазкур шартнома лойихаси Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 12.09.2003 йилги 395-сон Карори 3-иловасига асосан ишлаб чикилган ва Фукаролик Кодексининг хужалик шартномалари хакидаги умумий коидалари 353-354 моддалари, Узбекистон Республикасининг 29.08.98 йилдаги №670-1 «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги Конунининг V-булим 31,32,34, моддаларининг талабларига жавоб беради.

Юрист ____________________

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**11.05.2022 даги**

**"POSSIBLE TRUST TRADE"МЧЖ ва Наманган шахар Бандликка кумаклашиш ва АИМК маркази ўртасида 799900000,00 сўм умумий суммага тузилган 77033-сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 237

Шахсий ғазна ҳисобварақ 20022186014401710920623703

сўмда

| 2021 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4821190 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | 799 900 000,00 | | | 799 900 000,00 |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **799 900 000,00** | | | **799 900 000,00** |

Жами 799900000,00 сўм Етти юз тўксон тўккиз миллион тўққиз юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 239970000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ Қосимов Малик Мўмин ўғли
(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Солиев Абдурахим Рахматулло ўғли
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________
(имзо)

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ________________ 20___й.

«___» ________________20___й.

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 77033 на приобретение Енгил конструкцияли иссиқхона қуриш

Способ проведения электронный

Дата 07.05.2022

Время рассмотрения 07.05.2022 23:46

Конкурсная комиссия Наманган шахар Бандликка кумаклашиш маркази, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | KOSIMOV MALIK MUMIN O‘G‘LI | Раҳбар | Наманган шахар Бандликка кумаклашиш маркази |
| **Секретарь комиссии** | SOLIYEV ABDURAXIM RAXMATULLO O‘G‘LI | Бош хисобчи | Наманган шахар Бандликка кумаклашиш маркази |
| **Член комиссии** | TURG‘UNOV DILSHODBEK ERMIRZAYEVICH | Ишга жойлаштириш шуба мудири | Наманган шахар Бандликка кумаклашиш маркази |
| **Член комиссии** | RAXMONOV ANVAR HABIBULLAYEVICH | Ишга жойлаштириш инспектори | Наманган шахар Бандликка кумаклашиш маркази |
| **Член комиссии** | PARPIYEV ZAFARBEK SHUXRATOVICH | Касбга укитиш шуба мудири | Наманган шахар Бандликка кумаклашиш маркази |
| **Член комиссии** | OTAMIRZAYEV ABDULXAMIT MAXMUTALIYEVICH | Хужалик мудири | Наманган шахар Бандликка кумаклашиш маркази |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.05.2022 года № лота 77033.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по изготовлению парника** |
|---|---|
| Подробное описание | Енгил конструкцияли иссиқхона қуриш |
| Количество товара | 100.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 8 100 000.00 |
| Стартовая сумма | 810 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Финансовая состояние

Тип: Текстовое значение

Описание: Финансовая состояние: Отсутствия процедур банкротства, документальное подтверждение отсутствия процедур банкротства, отсутствия процедур разделения, реорганизации или ликвидации, подтверждение отсутствия картотеки К-2, отсутствие задолженностей по налогам, обязательным платежам и обязательствами перед третьими лицами.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"POSSIBLE TRUST TRADE" MCHJ** | 25 | Отсутствует процедур банкротства. | 24 | Экспертная | | |
| **BEST-OFFER 21 MCHJ** | 25 | Отсутствует процедур банкротства | 24 | Экспертная | | |

Критерий №2 Общие данные участника:

Тип: Текстовое значение

Описание: Общие данные участника: Наличие разрешительных документов на производство работ данного типа, документальное подтверждение правомочности заключения договора.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"POSSIBLE TRUST TRADE" MCHJ** | 25 | Имеется разрешительных документов на производство работ данного типа. | 24 | Экспертная | | |
| **BEST-OFFER 21 MCHJ** | 25 | Имеется | 23 | Экспертная | | |

Критерий №3 Опыт работы

Тип: Текстовое значение

Описание: Опыт работы: Подтверждение об оказанных услугах данного типа в последние 3 года, складская справка, гарантийное письмо.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"POSSIBLE TRUST TRADE" MCHJ** | 25 | Имеется. | 24 | Экспертная | | |
| **BEST-OFFER 21 MCHJ** | 25 | Имеется | 22 | Экспертная | | |

Критерий №4 Персонал, техники и механизмы

Тип: Текстовое значение

Описание: Персонал, техники и механизмы: Документальное подтверждение специализированного персонала

(Диплом, сертификат, лицензия,...).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"POSSIBLE TRUST TRADE" MCHJ** | 25 | Имеется. | 24 | Экспертная | | |
| **BEST-OFFER 21 MCHJ** | 25 | Имеется | 23 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **BEST-OFFER 21 MCHJ** | 810 000 000.00 | 799 950 000.00 | 06.05.2022 18:24:58 | 10.00 |
| **"POSSIBLE TRUST TRADE" MCHJ** | 810 000 000.00 | 799 900 000.00 | 06.05.2022 17:42:42 | 10.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **BEST-OFFER 21 MCHJ** | 82.8 | 10 | 92.8 |
| **"POSSIBLE TRUST TRADE" MCHJ** | 86.4 | 10 | 96.4 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 77033 от 07.05.2022 года на приобретение Енгил конструкцияли иссиқхона қуриш определила победителем:

"POSSIBLE TRUST TRADE" MCHJ
308643483

и резервный исполнитель: BEST-OFFER 21 MCHJ (309434670)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | KOSIMOV MALIK MUMIN O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | OTAMIRZAYEV ABDULXAMIT MAXMUTALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURG‘UNOV DILSHODBEK ERMIRZAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | RAXMONOV ANVAR HABIBULLAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | PARPIYEV ZAFARBEK SHUXRATOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur koʻchasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail: namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich
Sana:20-04-2022 yil

**Yig'ma ekspert xulosasi № 37631**

**Obyekt nomi** «Namangan shaxar Davlatobod tumani hududida “Namangan viloyat Bandlik boshqarmasi” tomonidan Tomorqa yer egalarini qoʻllab quvvatlash va aholi bandligini ta’minlash boʻyicha “Namunaviy yengil konstruksiyali issiqxona”»

**Buyurtmachi –** Namangan viloyat Bandlik bosh boshqarmasi
**Bosh loyihachi** - “AZIYA INDUSTRY INVEST” MChJ
**Litsenziya** AL-000859 15.06.2020 yilda Oʻzbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan
**Moliyalashtirish manbai** - Budjetdan tashqari mablagʻlar
**Bosh pudratchi** – Tanlov asosida
**Qurilish turi** Yangi qurilish
**Murojaat raqami:** № 36408

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 5.03.2019 yildagi PQ-4227-sonli va 18.05.2020 yildagi PQ-4716-sonli qarorlari.

1.2. Oʻzbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari Vazirining 24.03.2020 yildagi 7-2020/6-sonli buyroʻgʻi.

1.3. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyiha topshirigʻi.

1.4. Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi tomonidan berilgan 8.04.2022 yildagi 01/03-546-sonli ARTsiz loyihalash uchun rozilik xati.

1.5. Loyiha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 1.04.2022 yildagi 2/LX-sonli shartnoma.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. “Ishchi loyiha”ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:

- Issiqxona. Arxitektura va qurilish qismi.

- Smeta hujjatlari.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

**3.1. Qurilish uchastkasi tavsifi.**

Issiqxona qurish uchun ajratilgan yer maydoni Namangan shahar  Davlatobod tumanida joylashgan boʻlib, tanlangan joy IV-iqlimiy sharoitga toʻgʻri keladi. Zilzilaga bardoshliligi boʻyicha – 8 ball. Tashqi havo harorati – 14$^{o}$s. Me’yoriy qor yuklamasi – 0,50 kPa va shamol yuklamasi – 0,38 kPa. Yerni tuzilish relefi – tekis.

**3.2. Loyihaning asosiy yechimlari.**

Issiqxona – toʻgʻri toʻrtburchak shaklni tashkil etib, “A-V” va “1-6” oʻqlari boʻyicha 7,0mx14,0m oʻlchamda, issiqxona balandligi – 3,2 m.

*Konstruktiv yechimi.*

*Poydevor* – yaxlit alohida quyma temir-betondan, beton markasi V7,5.

*Ustunlar*  – 50x50x3mm.li metall profildan.

*Tomyopma* – metall fermalar.

*Tom* – polietilen plenka.

*Derazalar* – metall ramka asosida polietilen plenka.

*Eshiklar* – metall ramka asosida polietilen plenka.

**4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

**5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

**6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxassislarning izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatishlar va qoʻshimchalar kiritildi:

6.1.1. Ishchi chizmada framuga, eshik oʻrnilari, sokol balandlik satxlari – koʻrsatildi.

6.1.2. “1-1” qirqimda tom qatlamlari va balandlik satxlari – koʻrsatildi.

6.1.3. Metall konstruksiyalarni korroziyaga qarshi chora tadbirlari – koʻzda tutildi.

6.1.4. Metall konstruksiyalarni bir-biriga bogʻlanish tugunlari – koʻrsatildi.

6.1.5. Metall konstruksiya hisobi – taqdim etildi.

6.1.6. Tom toʻshamasi polietilen plenka ostiga berilgan obreshetka qadami va birlik oʻlchamlari – koʻrsatildi.

6.2. Ekspertiza natijalariga koʻra buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz va qoʻshimcha qiymat soligʻi (QQS) bilan loyiha qiymati **8100,336 ming soʻm** qilib belgilandi. Xususan:

| | | |
|---|---|---|
| Qurilish-montaj ishlari: | 7043,770 | ming soʻm |
| QQS: | 1056,566 | ming soʻm |

6.3. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan soʻng nazorat oʻlchovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Buyurtmachi loyiha hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.5. Ekspertizadan oʻtkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining toʻliqligi, maʼlumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi

javobgar hisoblanadi.

**7. Xulosalar.**

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda “Namangan shaxar Davlatobod tumani hududida “Namangan viloyat Bandlik boshqarmasi” tomonidan Tomorqa yer egalarini qoʻllab quvvatlash va aholi bandligini taʼminlash boʻyicha “Namunaviy yengil konstruksiyali issiqxona”” ishchi loyihasi kelgusida koʻrib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

**Izoh:** Namunaviy loyiha asosida maʼlum hududga qurilishi muhandislik-geologiya sharoitlari asosida bajarilishi kerak.

**Bosh mutaxassis:** Abdunazarov Nemadjon Abdurazakovich

4281799

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"POSSIBLE TRUST TRADE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"POSSIBLE TRUST TRADE" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

02.07.2021 1010700 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308643483

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Namangan shahri, Davlatobod tumani, 4-kichik noxiya, G'alaba ko'chasi, 37-a uy,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN SHAHAR *

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SHAXS GUVOHNOMASI
REPUBLIC OF UZBEKISTAN IDENTITY CARD

UZB



Familiyasi / Surname
NE'MATULLAYEV

Ismi / Given name(s)
AZIZBEK

Otasining ismi / Patronymic
SOXIBJON O'G'LI

Tug'ilgan sanasi / Date of birth
03.07.1992

Jinsi / Sex
ERKAK

Berilgan sanasi / Date of issue
06.04.2021

Fuqaroligi / Citizenship
O'ZBEKISTON

Imzosi / Signature

Amal qilish muddati / Date of expiry
05.04 2031

Karta raqami / Card number
AD0297889

AD96047

Shaxsiy raqami / Personal number
30307922090021

Tug'ilgan joyi / Place of birth
NAMANGAN TUMANI

Berilgan joyi / Place of issue
IIV 14401

UZB

IUUZBAD0297889630307922090021<
9207031M3104057XXXUZB<<<<<<<<<<<6
NEMATULLAYEV<<AZIZBEK<<<<<<<<<<